

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/30.04.2021.Т.111.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ҚАРШИЕВ РУСТАМ ЖЎРАЕВИЧ

**ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИДА ИРРИГАЦИЯ
КАНАЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

05.09.07-Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2021 йил

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

Contents of the doctoral (PhD) Dissertation Abstract

Қаршиев Рустам Жўраевич

Томчилатиб суғориш технологиясида ирригация каналларидан
фойдаланиш самарадорлигини ошириш усулларини
такомиллаштириш..... 3

Каршиев Рустам Жураевич

Совершенствование методов функционирования ирригационных
каналов для повышения эффективности капельной технологии
орошения..... 19

Karshiev Rustam Juraevich

Improving the methods of functioning of irrigation canals to increase
the efficiency of drip irrigation technology..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 40

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/30.04.2021.Т.111.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ҚАРШИЕВ РУСТАМ ЖЎРАЕВИЧ

**ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИДА ИРРИГАЦИЯ
КАНАЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

05.09.07-Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2021 йил

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/T1489 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ирригация ва сув муаммолари илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (qmii@qmii.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Хамраев Шавкат Раҳимович**
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар: **Базаров Дилшод Раҳимович**
техника фанлари доктори, профессор



Палуанов Данияр Танирбергенович
техника фанлари номзоди, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот: **Тошкент архитектура-қурилиш институти**

Диссертация ҳимояси Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ҳузуридаги PhD.04/30.04.2021.Т.111.04 рақамли илмий кенгашнинг 2021__ йил «26» __11__ сент 14³⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 180100, Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Мустақиллик шох кўчаси, 225 уй. Тел: (99875) 221-09-23; факс: (99875) 224-13-95, e-mail: qmii@qmii.uz).

Диссертация билан Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180100, Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Мустақиллик шох кўчаси, 225 уй. Тел: (99875) 221-09-23).

Диссертация автореферати 2021__ йил «9» __11__ куни тарқатилди.
(2021__ йил «9» __11__ даги __2__ рақамли реєстр баённомаси).

С.С. Эшев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ш.А. Латипов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби,
т.ф.ф.д., (PhD), доцент

Ф.А. Ганшаров
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш ҳузуридаги Илмий
семинар раиси т.ф.д., доцент

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда иқлим ўзгариши билан боғлиқ сув тақчиллиги шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барқарор ривожлантиришда самарали суғориш технологияларини қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. “Дунё миқёсида магистрал каналларда сув етказиш билан боғлиқ технологик жараёнда ўртача 35-40 фоизгача сув ресурслари йўқотилишини ҳисобга олсак”¹, бу соҳада илмий ва амалий тадқиқотларни талаб даражасида ташкил этиш, ирригация каналарида сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, экинларни суғоришда янги замонавий инновацион технологияларни синаб кўриш ва амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан ирригация каналларида сув ресурсларини самарали бошқаришнинг гидравлик усулларини такомиллаштириш ва сувни тежайдиган инновацион технологиялардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сувни тежайдиган технологияларни такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бир қаторда томчилатиб суғориш технологияси ва суғориш тармоғи тизимини динамик бошқаришнинг гидравлик модели, томчилатиб суғориш тизимини автомат ишга тушуриш қурилмаси ва суғориш тармоғидаги затвор ҳолатини бошқаришнинг компьютер дастури ҳамда ирригация каналларини томчилатиб суғориш тизимига мослаштириш долзарб илмий-техник муаммолардан бири ҳисобланади. Бу борада, суғориш тармоқларида сув ресурсларини самарали бошқариш бўйича гидравлик усулларни такомиллаштириш, автоматлаштирилган тизимлардан фойдаланиш, мавжуд ирригация каналларини сув тежовчи технологияларга мослаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда сув ресурсларини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш, суғориш тармоқларининг техник ҳолатини яхшилаш, суғориладиган ерларнинг сув таъминотини ошириш, замонавий сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш юзасидан кенг қамровли чоратadbирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш”² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини инновациялар асосида ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

¹ <http://www.agro.uz>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-4486-сон “Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 25 октябрдаги ПҚ-4499-сон “Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Фонд материаллари ва шу соҳага оид адабиётлар таҳлилига кўра, ирригация каналларида сув тақсимлашни гидравлик усулларини такомиллаштириш, суғориш тизимини бошқаришни оптималлаштириш ва гидротехника қурилмаларини автоматлаштириш масалаларига А.Л.Ильмер, Е.Е.Овчаров, Э.Э.Маковский, Я.В.Шчедрин, Ю.Г.Бочкарев, М.З.Ганкин, П.И.Коваленко, О.П.Кисаров, М.Ф. Натальчук, В.И.Ольгаренко, В.Н.Иваненко, В.И.Коржов, Д.Р.Базаров, А.М.Арифжанов, М.Р.Икрамова ва бошқа таниқли олимлар ўз тадқиқотларини бағишлаганлар. Улар томонидан олинган илмий натижалар илмий мақолалар ҳамда меъёрий ҳужжатларда акс этган. Каналларда сув оқимини бошқаришнинг гидравлик усулларини такомиллаштириш бўйича Э.Э.Маковский, В.А.Рожнов, А.И.Голованов, В.И.Букреев ва бошқа олимлар шуғулланишган.

Ўзани томчилатиб суғориш соҳасидаги илмий тадқиқотлар билан Г.А.Безбородов, Б.С.Камилов, В.Г.Лунев, Я.Э.Пулатов, М.Хамидов, С.Исаев, Б.Матякубов, А.Шеров ва бошқа олимлар шуғулланишган. Ушбу тадқиқотларда ўзани ўсиши ва ривожланиши жараёнида сувни тежайдиган технологияларнинг самарадорлиги ҳамда суғориш тизимини тўлиқ автоматлаштириш, меҳнат харажатларини қисқартириш, сув, ўғит ва бошқа моддий ресурсларни иқтисод қилиш муаммолари яхши ўрганилган.

Шу билан бир қаторда, суғориладиган майдон, томчилатиб суғориш технологияси ва суғориш тармоғини бошқаришнинг гидравлик моделларини ишлаб чиқиш ҳамда гидравлик ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш ва уларни амалиётга жорий қилиш масалалари бўйича тадқиқотлар етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқоти режасига мувофиқ ВА-ҚХФ-5-003 “Қишлоқ хўжалиги экинларини эгатлаб суғоришда тупроқ-грунт намланиши жараёнлари динамикаси қонуниятлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ирригация каналларини томчилатиб суғориш технологияси билан мослаштиришнинг гидравлик усулларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ирригация каналларининг гидравлик ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш ва сув ресурслари тақчиллиги шароитида ғўзани томчилатиб суғориш тизимларини автоматлаштиришга бағишланган илмий-тадқиқот ишларини ретроспектив таҳлил қилиш;

томчилатиб суғоришда тупроқ намланиш контурининг параметрларини экспериментал аниқлаш;

қишлоқ хўжалиги экинларини томчилатиб суғоришда тупроқ-грунт намланиши соҳасида намлик динамикасининг математик моделини ишлаб чиқиш;

сув тўсувчи иншоотларнинг иш режимига боғлиқ равишда каналда содир бўладиган барқарор сув ҳаракатининг математик моделини такомиллаштириш;

томчилатиб суғориш тизимига сув етказадиган суғориш тармоғининг асосий гидравлик параметрларини ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш;

“дала-томчилаб суғориш технологияси-суғориш тармоғи” тизимининг гидродинамик бошқаришнинг корреляция боғлиқлик моделини ишлаб чиқиш;

ирригация каналларини томчилатиб суғориш тизимига мослаштириш мезонлари ва меъёрларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида ирригация каналлари ва суғориладиган майдонларда жорий этилган сувни тежайдиган технологиялар олинган.

Тадқиқот предмети сифатида ирригация каналлари, томчилатиб суғориш тизимидаги ҳамда тупроқ-грунт намаланиш соҳасидаги гидравлик жараёнлар ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида назарий ва экспериментал тадқиқотларни амалга ошириш бўйича гидравликада умум қабул қилинган усуллар, гидромеханика қонунлари асосида гидравлик моделлар тузиш ва уларни сонли ҳисоблаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

томчилатиб суғориш технологияси орқали қишлоқ хўжалиги экинларини томчилатиб суғоришда тупроқ-грунт намланиши ифодалдовчи икки ўлчовли фильтрация тенграмаси асосида намлик динамикасининг математик модели такомиллаштирилган;

ирригация каналларининг сув тўсувчи иншоотлари иш режимига боғлиқ равишда каналда содир бўладиган барқарор сув ҳаракатининг дифференциал тенгламаси такомиллаштирилган;

томчилатиб суғориш тизимига сув етказадиган ирригация тармоқларининг асосий гидравлик параметрларини ҳисоблаш усуллари вақтга боғлиқ равишда суғориш меъёрининг турли қийматларида гидромодулининг оптимал параметрлари орқали такомиллаштирилган;

суғориш каналидаги сув сатҳи динамикаси, томчилаб суғоришда томизғичлар сув сарфи ва тупроқнинг намлаш радиусини ифодаловчи тенгламалар асосида томчилатиб суғориш технологияси ва суғориш тармоғи тизimini гидродинамик бошқаришнинг корреляция боғлиқ модели ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

дала тадқиқотлари натижалари асосида томчилатиб суғоришда тупроқ намланиш контурининг параметрлари экспериментал аниқланган.

томчилатиб суғориш тизимига сув етказадиган суғориш тармоғининг асосий гидравлик параметрларини ҳисоблашнинг такомиллаштирилган усули ёрдамида суғориш тармоғи гидромодулини оптимал қиймати топилган.

суғориш тармоғидаги сув сатҳи динамикаси, суғориш ленталари томизғичларининг сув сарфи, тупроқ-грунтни намлаш юзаси радиуси ҳамда гидромодуль ўртасидаги чизиқли регрессия тенгламаси ишлаб чиқилган;

ирригация каналларини томчилатиб суғориш тизимига мослаштириш мезонлари ва меъёрлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги назарий ечимларни ишлаб чиқилишда умум қабул қилинган гидромеханика қонунлари ва математик усулларга асосланган, олинган назарий натижаларни амалга оширилган экспериментал тадқиқот натижалари билан таққослаб текширилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти томчилатиб суғориш технологияси асосида суғоришда тупроқ-грунт намланиши соҳасида намлик динамикасининг математик модели, ирригация каналларининг сув тўсувчи иншоотларнинг иш режимига боғлиқ равишда каналда содир бўладиган барқарор сув ҳаракатининг математик тенгламасини такомиллаштирилганлиги ҳамда томчилатиб суғориш технологияси ва суғориш тармоғи тизimini динамик бошқаришнинг гидравлик модели ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти томчилатиб суғориш технологияси ва суғориш тармоғи тизimini динамик бошқаришнинг гидравлик модели, экин майдони, томчилатиб суғориш технологияси ва суғориш тармоғи тизimini гидродинамик бошқаришнинг корреляция боғлиқлик модели, томчилатиб суғориш тизimini автомат ишга тушириш қурилмаси ва суғориш тармоғидаги затвор ҳолатини бошқаришнинг компьютер дастури ҳамда ирригация каналларини томчилатиб суғориш

тизимига мослаштириш мезонлари ва меъёрларини ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Томчилатиб суғориш технологиясида ирригация каналларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш усулларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ирригация каналларини томчилатиб суғориш технологияси билан мослаштиришнинг гидравлик усуллари такомиллаштирилган. Томчилатиб суғориш технологияси ва суғориш тармоғи тизимини динамик бошқаришнинг гидравлик модели, томчилатиб суғориш тизимини автомат ишга тушуриш қурилмаси ва суғориш тармоғидаги затвор ҳолатини бошқаришнинг компьютер дастури ҳамда ирригация каналларини томчилатиб суғориш тизимига мослаштириш мезонлари ва меъёрлари ишлаб чиқилган. Ирригация каналларини томчилатиб суғориш тизимига мослаштиришнинг гидравлик усуллари Норин-Қорадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси фаолиятига жорий қилинган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 23 августдаги 02/27-860 рақамли маълумотномаси).

Маъмуробод ва Дахана-15^б каналларидан рўй бераётган солиштирма фильтрация сарфини гидравлик ҳисоблашнинг такомиллаштирилган усуллари Норин-Қорадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси фаолиятига жорий қилинган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 23 августдаги 02/27-860 рақамли маълумотномаси).

Томчилатиб суғориш технологияси орқали ғўзани суғориш жараёнини гидравлик моделини такомиллаштирилган усуллари Норин-Қорадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси фаолиятига жорий қилинган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 23 августдаги 02/27-860 рақамли маълумотномаси).

Томчилатиб суғориш тизимига сув етказадиган суғориш тармоғининг асосий гидравлик параметрларини ҳисоблаш такомиллаштирилган усуллари Норин-Қорадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси томонидан сув ресурсларини бошқариш жараёнига жорий қилинган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 23 августдаги 02/27-860 рақамли маълумотномаси).

Диссертация доирасида эришилган, ирригация каналларини томчилатиб суғориш технологияси билан мослаштиришнинг такомиллаштирилган гидравлик усулларини амалиётга жорий қилиниши натижасида Норин-Қорадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси тасарруфидаги каналларида манбадан олинадиган сувга нисбатан 5-7% дан ошиқ сув ресурслари иқтисод қилинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган

илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан 5 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган. Интеллектуал мулк агентлигининг илмий ишга тегишли 3 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида Ўзбекистонда ва жаҳонда ўтказилган илмий тадқиқотлар асосида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, бажарилган тадқиқотларнинг фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари очиб берилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, ишнинг апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Сув ресурслари тақчиллиги шароитида ғўзани томчилатиб суғоришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари ва амалиётга жорий этилишининг таҳлили”** деб номланган биринчи бобида Ўзбекистон Республикасида сув хўжалиги ҳолати ва сувни тежовчи технологияларни жорий этишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари, қишлоқ хўжалиги экинларини томчилатиб суғоришнинг жаҳон тажрибаси, сув лойқалиги юқори бўлган каналдан сув олувчи ғўзани томчилатиб суғориш технологиясининг сув тиндиргичларининг гидравлик ҳисобига оид тадқиқотлар таҳлили амалга оширилган. Жумладан, томчилатиб суғориш тизимлари элементларининг конструкцияларини ва гидравлик ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш масалалари Г.Безбородов, Ф.Бараев, В.Духовный, А.Усманов, А.Шеров, Р.Икрамов, М.Хамидов, Б.Камилов, А.Шамсиев, Б.Матякубов, С.Исаев, С.Рыжов, С.Харченко, В.Легостаев, Р.Муродов каби мамлакатимиз ва яқин кўшни давлатлар олимларининг ишларида етарлича ўрганилган.

А.Д.Ахмедов, Е.П.Боровой, Д.П.Гостищев, М.С.Григоров, С.Я.Семенов, Э.А.Ходяков каби олимларнинг илмий ишларида томчилатиб суғориш ва ёмғирлатиб суғориш технологияларининг конструктив элементларини такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар яхши ўрганилган.

В.А.Атавин, А.А.Гаврилов, А.А.Горбунов, О.П.Кисаров, Я.В.Бочкарев, О.Ф.Васильев, В.В.Дегтярев, В.А.Рожнов, В.Историк, А.В.Мишуев, М.С.Сладкевич, М.Р.Бакиев, Д.Р.Базаров, А.М.Арифжанов каби олимлар каналлар тизимида сув ҳаракати бекарор ҳолатга ўтганда вужудга келадиган сув ҳаракати таҳлили ва сув оқими ҳаракати параметрларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб боришган. Шу билан биргаликда каналларда сув оқимини бошқаришга мўлжалланган гидравлик усулларни яратиш бўйича П.И.Коваленко, Э.Э.Маковский, В.А.Рожнов, И.П.Айдаров, В.И.Букреев, А.И.Голованов ва бошқалар қишлоқ хўжалиги экинларини

суғоришда ёмғирлатиб суғориш тизими ва лотоклардаги сув ҳаракатини бошқариш билан боғлиқ илмий-техника масалаларни ечиш билан шуғулланишган.


Диссертация доирасида амалга оширилган ишлар таҳлиллар натижалари шуни кўрсатмоқдаки, республикада эксплуатация қилинаётган ирригация каналларининг аксарияти XX-асрнинг 70-80 йилларда фойдаланишга топширилган бўлиб, уларнинг гидравлик параметрлари асосан ер устидан эгатлаб суғоришга мослаштириб лойиҳаланган ва келтирилган гидромодуль қийматлари ўртача 0,9-1,0 л/с га ташкил қилган бўлиб, каналнинг гидравлик параметрлари қисқа вақт оралиғида катта ҳажмдаги сувни етказишга қилишга мўлжалланган. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда сув тежовчи технологияларни кенг жорий этилиши, суғориш тармоқларидаги сув ресурсларини бошқариш бўйича гидравлик усулларни такомиллаштириш, автоматлаштирилган тизимлардан фойдаланиш, мавжуд ирригация каналларини сув тежовчи технологияларга мослаштириш билан боғлиқ илмий-техника масалалари етарлича ўрганилмаганлигини кўрсатмоқда.

Диссертациянинг “Ирригация каналларини томчилатиб суғориш тизимига мослаштириш бўйича дала тадқиқотлари” деб номланган иккинчи бобида Дахана 15^б суғориш тармоғи ҳамда унга боғланган 327 гектар майдонда суғориш тармоқлари иш режимининг томчилатиб суғориш тизимига боғлаш шартлари баҳоланган. Томчилатиб суғориш тизими жорий этилган тажриба даласидаги тупроқнинг сув-физик хоссалари, гранулометриқ таркибини аниқлаш бўйича лаборатория тадқиқотлари натижалари келтирилган. Дала ва лаборатория тадқиқотлари натижалари асосида тупроқ қатламининг зичлиги ва чуқурлигини боғловчи регрессияси тенгламаси аниқланган:


$$\rho(h) = -0,1373h^2 + 0,4212h + 1,0521; R^2 = 0,971 \quad (1)$$

бу ерда: ρ – тупроқ зичлиги г/см³, h – тупроқ чуқурлиги, м.

(1) регрессия тенгламаси ечими ҳамда лаборатория таҳлиллари натижаларининг таққослаш графиклари 1 ва 2-расмларда келтирилган. Таҳлилларга кўра, тупроқнинг ғоваклиги камайиши билан унинг структураси ёмонлашиб, зичлиги ошиб боради. Тупроқнинг устки ҳайдалма қатламининг зичлиги унинг чуқурлигини ошиб бориши билан 1,12-1,20 г/см² гача ўзгариб, 1,0 м чуқурликда 1,31 г/см² га тенг бўлди.




1-Расм. Оч тусли ва тўқ тусли бўз тупроқларнинг зичлигини чуқурлигига боғлиқлиги




2-Расм. Оч тусли бўз тупроқларнинг ғоваклигини чуқурлигига боғлиқлиги

Тажриба майдонидаги ўрта кумоқли тўқ тусли бўз тупроқларда томчилатиб суғориш технологияси орқали ғўзага сув берилганда тупроқ намланиш контури конфигурациясининг аниқлаш мақсадида тажрибалар ўтказилди. Жумладан, томчилатиб суғориш ленталари томизгичларининг турли сарфлари учун тупроқнинг вақтга нисбатан намланиш контурининг ўзгариш конфигурацияси тадқиқ қилинди. Томизгичнинг сув сарфини танлаш орқали тупроқнинг намланиш соҳасини конфигурациясини сезиларли даражада ўзгариши аниқланди. Тегишли вақт интервалида томизгичларнинг турли сарфлари учун тупроқнинг намлантирилаётган контурининг параметрлари динамикаси 3 ва 4-расмларда келтирилган.



Расм 3. Томчилатиб суғориш ленталари томизгичининг сув сарфи 1,8 л/соатга тенг бўлганда, тупроқнинг намланиш контурининг характеристикалари



Расм 4. Томчилатиб суғориш ленталари томизгичининг сув сарфи 2,5 л/соатга тенг бўлганда, тупроқнинг намланиш контурининг характеристикалари


Дала тадқиқотларига кўра, 1,1 л/соат сарфга эга томизгичлардан фойдаланилганда, намланиш контурининг максимал диаметри 0,5 м га тенг бўлган. 1,8 л/соат сарфга эга томизгичлар ўрганилганда, намланиш контурининг максимал диаметри 0,63 м га тенг бўлган. Томизгичлар сарфи 2,5 л/соат гача оширилганда, суғориш меъёри 150 м³/га бўлиб, 0,69 м диаметрли намланиш контури ҳосил бўлган. Суғориш меъёри 150 м³/га бўлганда, 3,5 соатдан сўнг намланиш чуқурлиги 0,36 м бўлди, 4 соатдан сўнг эса 0,39 м. Бунда намланиш контурининг диаметри талаб этиладиган 0,5 м га тенг бўлди. Ғўзани томчилатиб суғоришда вертикал ўқ бўйича намликнинг тарқалиш динамикаси чегаравий дала нам сифими (ЧДНС) ошиши билан ошиб борди. Тупроқнинг суғориш олди намлигини 70% даражада ушлаб турилганда 4 соат давомида талаб этилган тупроқнинг намланиши $h = 0,4$ м чуқурликка эришди.

Тадқиқот объектидаги Юқори Маъмуробод каналининг ишончилилик ҳолатини миқдорий баҳолаш учун Байес усулидан фойдаланилди. Ҳисоблаш натижаларига кўра, каналнинг ер устидан ўтган қисмидаги дамбанинг бузилиши натижасида содир бўлиши мумкин бўладиган авария эҳтимоллиги 0.61 ни ташкил этди (5-расм).

Юқори Маъмуробод каналдан сув олувчи ер ўзанли саккизинчи ва бетон қопламага эга тўққизинчи суғориш тармоқларидан бўлаётган фильтрацияни ҳисоби фильтрацион қаршилиқ усули ёрдамида амалга оширилди (6-расм).



5-расм. Ирригация каналининг ишончлилик ҳолатининг миқдорий кўрсаткичлари



6-Расм. Фильтрация ҳисоби диаграммаси

Юқори Маъмуробод каналининг гидравлик параметрларини томчилатиб суғориш технологиясига мослаштириш мақсадида ўтказилган тажрибаларга кўра, каналда сув тўсувчи иншоотларни қуриш тавсия этилди. Каналда оптимал сув оқими тезлигини таъминлаш мақсадида, Б.А.Бахметов усулидан фойдаланиб сув тўсувчи иншоотлар орасидаги мақбул масофа аниқланди, ушбу масофа 1250 метрни ташкил этди.

Диссертациянинг “**Суғориш технологияси-суғориш тармоғи тизимини динамик бошқаришнинг гидравлик модели**” деб номланган учинчи бобида суғориш технологияси-суғориш канали тизимининг динамик бошқаришнинг гидравлик моделини ишлаб чиқиш учун ғўзанинг илдиз тизимидаги намлик, томчилатиб суғориш тизими ҳамда суғориш тармоғидаги автоматлаштирилган сув тўсувчи иншоотнинг динамик характеристикаларини бошқаришнинг имитацион математик моделини ишлаб чиқиш бўйича бажарилган назарий тадқиқотлар натижалари келтирилган. Имитацион математик моделни ишлаб чиқиш учун 5 та босқичдан иборат тадқиқотлар амалга оширилди.


Биринчи босқич: икки ўлчовли фильтрация тенграмаси асосида томчилатиб суғориш технологияси орқали суғоришда тупроқ-грунт намланиши соҳасида намлик динамикасининг математик модели такомиллаштирилди:

$$\frac{\varphi \cdot C}{\lambda_0} \cdot \frac{\partial \theta}{\partial t} = D \cdot \frac{1}{K} \left[\frac{1}{R^B} \cdot \frac{\partial^2 \theta}{\partial x^2} + \frac{1}{R^r} \frac{\partial^2 \theta}{\partial z^2} \right] \quad (2)$$

(2) тенграмани сонли экспериментини амалга ошириш учун уни чекли-айирмалар схемаси кўринишига келтирилди ва ечилди:

$$\frac{\varphi}{\lambda_0} C_{i,j}^{n+1} \frac{\theta_{i,j}^{n+1} - C_{i,j}^n}{\Delta t} = \frac{D}{K} \left[\frac{\theta_{i,j-1}^{n+1} - \theta_{i,j}^n}{h_j^2 R_{i,j-1}^B} - \frac{\theta_{i,j}^{n+1} - \theta_{i,j+1}^n}{h_j^2 R_{i,j}^B} \right] + \frac{\theta_{i-1,j}^{n+1} - \theta_{i,j}^n}{b_i R_{i-1,j}^{\Gamma}} - \frac{\theta_{i,j}^{n+1} - \theta_{i+1,j}^n}{b_i R_{i,j}^{\Gamma}} \quad (3)$$

бу ерда: C – нам сифими коэффициенти (%), φ – ғоваклик (%), λ_0 – ғоваксимон мухитни характерловчи узунлик (м), K –фильтрация коэффициенти (м/сут), D – диффузия коэффициенти (м²/сут), R^B – намлик оқимиға вертикал қаршилик (сут), R^{Γ} - намлик оқимиға горизонтал қаршилик (сут), θ – намлик, %, $\theta_{i,j}^{n+1}$ – (n+1) ҳисобий вақт momentiдаги намлик (7-расм).



7-расм. (3) тенгламани сонли ечимларининг таққослаш диаграммаси

Иккинчи босқич: томчилатиб суғориш технологияси орқали ғўзани суғориш жараёнини моделлаштириш амалга оширилди. Томчилатиб суғориш технологиясининг суғориш ленталаридаги томизгичларидан чиқаётган сув сарфи намлантирадиган юза радиусининг эхтимоллик зичлиги қуйидагича ифодаланди:

$$f(p) = \sum_{i=1}^n \frac{C_i}{\sigma p_i \sqrt{2\pi}} \exp\left(-\frac{(p - M_{p_i})^2}{2 \cdot \sigma_{p_i}^2}\right) \quad (4)$$

бу ерда: C_i – экспериментал коэффициенти; M_{p_i} , σ_{p_i} – томчилагичлар намлантирадиган майдоннинг сонли характеристикалари; C_i , M_{p_i} ва

σ_{pi} – коэффициентлар ва сонли характеристикалар намликни майдонга радиуси ва умуман суғориладиган майдон бўйича текис тақсимлаш шартлари асосида танланади.

Томчилатиб суғориш тизими орқали суғорилаётган ғўзани эътиборга олиб, суғориш меъёри ҳисобланди. Бунинг учун $C(X, Y)$ нуқта координатасини 0,3 метр қадам билан матрица кўринишида ёзиб олинди. A ва B ўлчамдаги майдонда намликни текис тақсимлашнинг миқдорий баҳолашни суғориш меъёри матрицаси бўйича амалга оширилди. Ҳисоблаш натижасида AB миқдордаги элементларга эга суғориш меъёрининг матрицасига эга бўлинди. Кейин A ва B нинг турли параметрларида вариация коэффициентининг минимал, ўрта ва максимал қийматларини ҳамда суғориш меъёри қиймати ҳисобланди. Ундан кейин ғўзани самарали суғориш учун суғориш меъёрининг чегаравий қийматлари ҳисобланди:

$$q_{f \min} = q_{fsr} - 0,15 \cdot q_{fsr}; q_{f \max} = q_{fsr} + 0,15 \cdot q_{fsr} \quad (5)$$

Ўртача суғориш меъёрини қуйидаги формула билан ҳисобланган қиймат билан таққосланди:

$$q_{fsr} = \frac{Q \cdot T}{A \cdot B} \quad (6)$$


(6) ифода, суғориш шлангининг томизгичи сув сарфига, суғориш меъёри ва ЧДНС га боғлиқ ҳолда ғўзани суғориш прогнозларини бажариш имкониятини беради.

Учинчи босқич: ирригация каналларининг сув тўсувчи иншоотлари иш режимига боғлиқ равишда каналда содир бўладиган барқарор сув ҳаракатининг дифференциал тенгламаси такомиллаштирилди. Сув сатҳининг ўзан узунлиги бўйича ўзгаришини ифодаловчи тенглама ишлаб чиқилди:

$$\hat{h} = \int \frac{(i \hat{C}^2 \hat{R} - \hat{l} F_r) \hat{\omega}}{\hat{C}^2 \hat{R} (\hat{\omega} - \alpha \hat{B} \hat{l} F_r)} dl \quad (7)$$

бу ерда: $i = \sin \Theta$ - ўзан тубининг нишаблиги, ω - оқимни тирик қирқим юзаси, α - Кариолис коэффициенти, C - Шези коэффициенти, Fr - Фруд мезони.

Дахана-15^б суғориш каналининг гидравлик элементлари асосида (7) тенгламанинг сонли ечими ва дала тажрибалари натижаларининг таққослаш графиги 8-расмда келтирилган.



8-Расм. (7) тенгламани сонли ечимларини эксперимент натижалари билан таққослаш диаграммаси


Тўртинчи босқич: томчилатиб суғориш тизимига сув етказадиган суғориш тармоғининг асосий гидравлик параметрларини ҳисоблаш усуллари такомиллаштирилди. Жумладан, суғориш меъёри, экин майдони ва вақтнинг турли қийматларида гидромодуль қийматларини топиш учун уларни боғловчи функциянинг шартли экстремуми топилди. Бунинг учун масала стандарт кўринишга келтирилди:

$$\left. \begin{aligned} q &= \frac{x \cdot y \cdot k}{86,4 \cdot t} \rightarrow \min \\ ax + by + ct &\leq \Phi \end{aligned} \right\} \quad (8)$$

кейин Лагранж функциясини қуйидаги кўринишда ёзиб оламиз:

$$F(x, y, t, \lambda) = \frac{x \cdot y \cdot k}{86,4 \cdot t} + \lambda(ax + by + ct - 4802) \quad (9)$$


(9) Лагранж функциясининг (x, y, t, λ) ўзгарувчилар бўйича хусусий ҳосилалларини топиб, тегишли математик амаллардан сўнг суғориш канали гидромодулини оптимал қиймати $q = 0,88$ топилди (9-расм).



9-расм. Суғориш канали гидромодулининг оптимал қиймати диаграммаси

Бешинчи босқич: суғориш каналидаги сув сатҳи динамикаси, томчилаб суғориш технологияси суғориш ленталари томизғичлари сув сарфи, тупроқнинг намлаш юзаси радиуси ва гидромодуль ўртасидаги корреляция боғлиқлик модели ишлаб чиқилди (10-расм):

$$q_{\text{ГМ}} - \bar{q}_{\text{ГМ}} = a \left[\int \frac{(i\hat{C}^2\hat{R} - \hat{l}F_r)\hat{\omega}}{\hat{C}^2\hat{R}(\hat{\omega} - \alpha\hat{B}\hat{l}F_r)} dl - \bar{h} \right] + b \left[\sum_{i=1}^n \frac{C_i}{\delta_{\rho_i} \sqrt{2\pi}} \exp\left(-\frac{(\rho - \mu_{\rho_i})^2}{2\delta_{\rho_i}^2}\right) - \overline{f(\rho)} \right] \quad (10)$$




10-расм. (10) чизикли регрессия тенгласининг сонли ечими натижалари

Тупроқ намлиги, томчилатиб суғориш технологияси ва каналдаги затвор ҳолатини масофадан автомат бошқаришнинг компьютер дастури ишлаб чиқилди (11 ва 12-расмлар).



11-расм. Затвор ва насоснинг жорий ҳолатини компьютер дастури



12-расм-Сенсорлардан олинаётган маълумотлар структураси

Томчилатиб суғориш технологияси асосида ғўзани суғоришда тупроқ намланиши соҳасида намлик динамикасини, “Дала-томчилаб суғориш технологияси-суғориш канали” тизимининг гидравлик боғлиқлик қонуниятларини аниқлаш бўйича амалга оширилган экспериментал ва назарий тадқиқотлар асосида ирригация каналларини томчилатиб суғориш тизимига мослаштиришнинг асосий мезонлари ва меъёрлари ишлаб чиқилди.

ХУЛОСАЛАР

“Томчилатиб суғориш технологиясида ирригация каналларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш усулларини такомиллаштириш” мавзусидаги диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Дахана-15^б каналнинг нормал сув ўтказиш қобилияти 0,4 м³/с бўлган ҳолда жами суғориладиган 327 га майдоннинг 10% қисмида томчилатиб суғориш технологияси жорий этилиши натижасида келтирилган гидромодулнинг максимал қиймати 0,38 л/с га ни ташкил этди. Экинларнинг сувга бўлган талабидан келиб чиқиб, талаб этиладиган сув ҳажми ўртача 0,2 м³/с эканлиги, каналнинг қуйи қисмида ортиқча 0,2 м³/с сув ташламани юзага келиши аниқланди.

2. Экспериментал участкадаги бўз тупроқларда вақт бўйича намланиш контури конфигурацияси динамикасини экспериментал тадқиқот қилиш натижаларига кўра, $q=1,8$ л/соатда тупроқнинг намланиш контури конфигурацияси монотон равишда ўсиб ва эллипс шаклига эга бўлиши аниқланди. Томизгичлар сарфи 2,5 л/соатгача оширилганда эксцентриситет қийматлари 0,62-0,87 оралиғида ўзгарди.

3. Назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижаларига кўра қуйидагилар аниқланди: 32,7 гектар тажриба даласига бир вақтда сув берилганда, вариация коэффиценти 49% ни ташкил этиб, ортиқча суғориш коэффиценти 0,403 ни, самарали суғориш коэффиценти эса 0,2 ни ташкил этди. Суғориш гидрантларининг 3 таси ишлатилганда вариация коэффиценти 16% ни ташкил этиб, ортиқча суғориш коэффиценти 0,09 ни, самарали суғориш коэффиценти эса 0,87 ни ташкил этди.

4. Ирригация каналларининг сув тўсувчи иншоотларнинг иш режимига боғлиқ равишда каналда содир бўладиган барқарор сув ҳаракатининг математик модели такомиллаштирилди.

5. Томчилатиб суғориш тизимида сув етказадиган суғориш тармоғининг асосий гидравлик параметрларини ҳисоблаш усуллари такомиллаштирилди. Суғориш канали гидромодулини оптимал қиймати $q=0,88$ топилди.

6. Суғориш тармоғидаги сув сатҳи динамикаси, томчилаб суғориш технологияси суғориш ленталари томизгичлари сув сарфи, тупроқ-грунтни намлаш юзаси радиуси ва гидромодулни боғловчи чизиқли регрессия тенгламаси ишлаб чиқилди.

7. Томчилатиб суғориш тизимини автомат ишга тушириш қурилмаси ва суғориш тармоғидаги затвор ҳолатини бошқаришнинг компьютер дастури ишлаб чиқилди.

8. Ирригация каналларини томчилатиб суғориш тизимида мослаштиришнинг мезонлари ва меъёрлари ишлаб чиқилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD. 04/30.04.2021.Т.111.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ КАРШИНСКОМ
ИНЖЕНЕРНО-ЭКОНОМИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ИРРИГАЦИИ И
ВОДНЫХ ПРОБЛЕМ**

КАРШИЕВ РУСТАМ ЖУРАЕВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОВ ФУНКЦИОНИРОВАНИЯ
ИРРИГАЦИОННЫХ КАНАЛОВ ДЛЯ ПОВЫШЕНИЯ
ЭФФЕКТИВНОСТИ КАПЕЛЬНОЙ ТЕХНОЛОГИИ ОРОШЕНИЯ**

05.09.07-Гидравлика и инженерная гидрология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Карши -2021 г.

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.4.PhD/T1489

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте ирригации и водных проблем.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу (www.qmii.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyounet.uz).

Научный руководитель: **Хамраев Шавкат Рахимович**
Кандидат сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник

Официальные оппоненты

Базаров Дилшод Раимович
доктор технических наук, профессор

Палуанов Данияр Танирбергенович
кандидат технических наук, старший научный сотрудник

Ведущая организация **Ташкентский Архитектурно-строительный институт**

Защита диссертации состоится «26» 11 2021 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.04/30.04.2021.T.111.04 при Каршинском инженерно-экономическом институте по адресу: 180100, г.Карши, ул. Мустакилик, 225.Тел.(99875)221-09-23; факс: (99875) 224-13-95, e-mail: qmii@qmii.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каршинского инженерно-экономического института. (зарегистрированный номер___). Адрес: 180100, г.Карши, ул. Мустакилик, д.225.Тел. (+99875) 221-03-77 e-mail: arm.qmii.uz.

Автореферат диссертации разослан «9» 11 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 2 от «9» 11 2021 года).



С.С.Эшев
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

Ш.А.Латипов
Учёный секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.т.н., (PhD) доцент

Ф.А.Гаппаров
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире, устойчивое развитие сельскохозяйственного производства и внедрение эффективных технологий орошения занимает одно из ведущих мест, особенно в условиях дефицита воды, связанного с изменением климата “Учитывая, что в мире в технологических процессах, связанных с транспортировкой воды потери в магистральных каналах составляют в среднем 35-40 %”¹, в связи с этим требуется организация на должном уровне научно-практических исследований в этой области, повышение эффективности использования водных ресурсов в оросительных каналах, апробация и внедрение на больших площадях новых современных инновационных технологий орошения сельскохозяйственных культур. В этом отношении особое значение имеет совершенствование гидравлических методов эффективного управления водными ресурсами на оросительных каналах и инновационные водосберегающие технологии.

В мире проводятся научно-исследовательские работы, направленные на совершенствование водосберегающих технологий при орошении сельскохозяйственных культур. В этом направлении особое внимание уделяется совершенствованию гидравлических методов эффективного управления водными ресурсами в оросительных каналах, использованию автоматизированных систем, адаптации эксплуатируемых ирригационных каналов к водосберегающим технологиям.

В республике осуществляются крупно-масштабные мероприятия и достигнуты определенные результаты по коренному совершенствованию систем управления водными ресурсами, повышению водообеспеченности орошаемых земель и внедрению современных водосберегающих технологий. В стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены важные задачи по “...модернизации и ускоренному развитию сельского хозяйства...”². При реализации этих задач, в частности, предусмотрено дальнейшее улучшение мелиоративного состояния орошаемых земель, инновационное развитие мелиоративных и ирригационных систем, внедрение в сельскохозяйственном производстве интенсивных методов, прежде всего современных водо- и ресурсосберегающих технологий.

Исследования, выполненные в рамках настоящей диссертации, в определенной степени служат реализации задач, предусмотренных в «Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Узбекистана» утвержденной Указом Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 07.02.2017 г., «Об утверждении концепции развития водного хозяйства Республики Узбекистан на 2020 - 2030 за № УП-6024 от 10.07.2020 г., Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-4486 от 09.10.2019 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы

¹ <http://www.agro.uz>.

² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».
